



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 30 январь, № 21 (6456)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ФАРОВОН ҲАЁТДАН МАМНУНЛИК САОДАТИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларига қаратилгандир. Бинобарин, бу йил Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллигини кенг нишонлашга қизгин ҳозирлик кўраётган халқимиз ана шу оқилона сиёсат самараларини ўтган давр мобайнида ўз ҳаёти, турмуш тарзида рўй берган улкан янгиланишлар ва ўзгаришлар мисолида яққол кўриб, ҳис қилиб турибди. Шаҳару қишлоқларимизда янгидан-янги иншоотлар, бири-биридан кўркам маданий-маиший бинолар, уй-жойлар, таълим муассасалари, спорт мажмуалари, дам олиш масканлари қад ростлапти. Боғу роғлар, хиёбонлар барпо этилиб, йўлларимиз жаҳон андозалари даражасига олиб чиқилмоқда. Қисқача айтганда, инсон фаровон яшаши учун нимаки зарур бўлса, барчаси яратиб берилаётди.

ИСЛОХОТ

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий

дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ушбу масала ху-

сусида яна бир қарра тўхталар экан, одамларнинг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ҳамда ривожланган демократик давлатлар

қаторидан ўрин эгаллаш бош мақсадимиз эканлигини алоҳида қайд этди.

Дарҳақиқат, инсон дунёга келар экан, бахтли ва фаро-

вон ҳаёт кечиршни истайди. Ушбу эзгу мақсад йўлида олиб борилаётган ишлар самараси эса ижтимоий-иқтисодий жаҳаларда кўзга яққол ташланмоқда. Юртбошимиз айтганидек, Ўзбекистонда нархнаво ўз меъёрида сақлангани, авваломбор, бозорлардаги арзончилик одамларнинг бугунги кундан розилигига сабаб бўлаётди.

Чиндан ҳам, ривожланган ва ривожланаётган давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги сезилаётган, уларнинг баҳоси тобора қимматлашиб бораётган бир шароитда юртимизда мўл-қўлчилик, арзончилик ҳукмрон. Бозорларимизда бўлган киши бунга ишонч ҳосил қилади.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Бугун юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари умргузаронлик қилмоқда. Энг муҳими, халқимизнинг аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги, шу муқаддас заминда яшаётган барча миллат вакилларида бағрикенглик маданияти йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётди.

Бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли юртимизда тинчлик, тотувлик, иқтисодий барқарорлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик билан айтишимиз мумкин, жамият ҳаётининг барча жабҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ўз самарасини бераёпти. Бинобарин, истиқлол йилларида Ватанимизда яшаётган турли миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, тенгхуқуқлилик ҳамда ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, унинг қонуний асосларини яратилган алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур тамойиллар Конституциямиз ва қонунларимизда ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ҳамда элатларнинг тиллари, урф-одатлари, анъаналари ҳурмат

қилиниши, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этники, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ҳамда эркинликларга эгалиги, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган. Юртбошимиз ташаббуси билан 1992 йилда ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази ва ҳудудлардаги 140 га яқин миллий маданий марказлар барча миллат ҳамда элатларнинг урф-одат, анъаналари, маросимларини асраб-авайлаш, уларни бошқаларга таништириш, қолаверса, ўзбек халқининг маданияти, санъати, тили, урф-одатларини тарғиб этишга хизмат қилаёпти. Бу эса, ўз навбатида, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистонда барқарор тараққиётга эришиш учун барча шарт-шароит яратилган»

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси хорижий давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда эксперт-таҳлил доиралари вакиллари ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Қуйида мазкур муҳим дастуриламал ҳужжатга таниқли мутахассис ва экспертлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Европа Энергетика хартияси бош қотиби Урбан Руснак Президент Ислоҳ Каримовнинг маърузаси билан яқиндан танишиб чиққанини маълум қилар экан, ўзбек халқини 2015 йилда қўлга киритган ютуқларини алоҳида эътироф этди. У жаҳон бозорида беқарор вазият ҳамон давом этаётганига қарамасдан, республикада ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг

юқори суръатларига эришилгани мамлакатда ҳаётга татбиқ қилинаётган ислохотлар ҳамда тизимли ўзгаришлар тўғрисида алоҳида қайд қилди. У Руснак Ўзбекистонда ишбилармонлар учун ҳар томонлама қўлай сармоявий муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни ҳам ижобий баҳолади. Унинг айтишича,

давлат мулкни хусусийлаштириш, хорижий капиталларни жалб этиш бўйича шароитлар яратиш, хусусий мулк ҳимоясини кафолатлаш борасидаги ўзига хос ёндашув мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тақвиятлаштиришга хизмат қилади.

Озиқ-овқат саноати ва салқин ичимликлар Европа ассоциацияси бош директори Мелла Фревен

Ўзбекистонда исчи ривожланиб бораётган ва диверсификациялашган иқтисодиёт ўзининг юксак самараларини бераётганини билдирди. Унинг айтишича, дунёдаги ҳозирги мураккаб молиявий-иқтисодий шароитда яли ички маҳсулот ва саноат ишлаб чиқаришнинг 8 фоиз ўсишга эришилгани алоҳида эътиборга сазовордир.

М. Фревеннинг фикрича, мустақил ривожланишнинг тарихан қисқа даврида республиканинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида барқарор тараққиётга эришиш учун зарур шароитлар яратилгани аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

Юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодаси

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур жамоат ташкилотининг 2015 йилдаги фаолияти яқунлари ва истиқболдаги вазифалари атрафлича таҳлил этилди. Тадбирда тегишли вазирлик

ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова ва бошқалар таъкидлаганидек, мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фаоллигини ошириш, илғор ғоя

ҳамда ташаббусларини рўйба рўйга чикариш, оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



Сифатли ва замонавий

Андижон

Мамлакатимизнинг олис ҳудудларидан бири — Қорасув шаҳрида яна бир замонавий қулайлик юзга келди.

Яъни "Ўзтелеком" акциядорлик компанияси Андижон филиали шаҳар телекоммуникациялар боғламаси мутахассислари томонидан ҳудудга оптик талали линия тортилди. Бу орқали алоқа сифати ошди. Қолаверса, шаҳарда энг сўнгги технологиялар асосида мижозларга телевидение,

интернет ва бошқа интерфал хизматлар кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди.

— Мақсадимиз аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўлиши, — дейди алоқачилар жамоаси раҳбари Авазбек Абдуҷалилов. — Шундан келиб чиқиб, кўрсатилаётган хизматлар турини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш пайдидан бўлаётир. Яқинда Қўрғонтепа туманининг Дардок қишлоғига ҳам ана шундай линия тортиш ишларини ниҳоясига етказдик.

Саидхадма ШУКУРОВ.

Маҳаллий мутахассислар кўмагида

Бухоро

Кўшма қорхонасида умумий қиймати қарийб 184 минг АҚШ долларига тенг бизнес лойиҳа амалга оширилди.

Бунинг учун дастлаб истеъмол бозоридида талаб ва эҳтиёж чуқур ўрганилди. Сўнг хориждан полипропилен ҳамда полиэтилен идишлар тайёрлашга мўлжалланган зарур асбоб-ускуналар харид қилинди. Ўттиз нафардан зиёд маҳаллий ишчилар қисқа муддатда уларни бошқариш кўникмасига эга бўлди. Нисбатан арзон, фойдаланишга қўлай маҳсулотнинг бозори қачқонлигини ҳис этган Бухоро шаҳридаги мазкур қорхона жамоаси эндиликда ўз фаолиятини кенгайтириши ниятда.

Дарвоқе, шаҳарда саноат йўналишидаги шу каби лойиҳалар шарофати билан 2015 йилда 3423 та иш ўрни яратилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Истиқболли лойиҳа

Самарқанд

Қўшраборт туманининг Қўшоғоч қишлоғида тадбиркор Хуршид Ҳуролов савий-ҳаракати билан автомобильларга техник хизмат кўрсатиш шохбаси ишга туширилди.

— Устахонамизга энг сўнгги русумдаги хорижий ускуналар ўрнатдик, — дейди Х. Ҳуролов. — Бунинг учун банкдан ажратилган 48 миллион

сўмлик кредит ҳамда ўзимизнинг 40 миллион сўмлик маблағимизни йўналтирдик. Ҳозир мутахассисларимиз томонидан автомобилларга 5 турда техник хизмат кўрсатилаёпти.

Умуман, туманда ўтган йили сервис хизмати йўналишида 25 та шу каби лойиҳа рўйбага чикарилиши натижасида 160 киши иш жойига эга бўлди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мустаҳкамлиги юқори

Сирдарё

Ховос туманида фаолият кўрсатаётган "Янгиобод жилваси" масъулияти чекланган жамиятида бетон қорши-масига қўшиладиган шағал хом ашёси тайёрлаш ўзлаштирилди.

Шу мақсадда қорхонага илғор технологиялар келтириб ўрнатилди. Ҳозир улар ёрдамида соатига 25-30 кубометр мазкур турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаёпти. Бинобарин, бу ерда бир вақтининг ўзида яна 10 кубометр клинец тайёрланиб, бурортмачиларга етказиб берилмоқда.

— Ушбу лойиҳани амалга оширишимизда банк томонидан ажратилган 500 миллион сўмлик кредит қўл келди, — дейди МЧЖ раҳбари Аъзамжон Ҳаққулиев. — Янги тармоқ туфайли фаолиятимизни янада кенгайтириш имконияти туғилди. Яъни жорий йилда брусчатка ва бетон гишт блоклари ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўраётир. Бу орқали таннархи арзон қурилиш материаллари тайёрлаш билан бирга, қўшимча иш ўринлари ташкил этмоқчимиз.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

САРҲИСОБ

«Ўзбекистонда барқарор тараққиётга эришиш учун барча шарт-шароит яратилган»

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Эксперт қайд этдики, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қувватларини яратиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар тахсинга лойиқ. "2015 йил давомида бу борада эришилган натижалар юқоридаги фикрни тасдиқлайди", деди у. Ўзбекистоннинг 2015 йилдаги макроекономик кўрсаткичлари билан танишган **Лимбург Савдо-саноат палатаси халқаро департаменти директори Робин Дирикс** мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларга юксак баҳо берди. Р. Дирикс юртимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томон-

лама ривожлантириш йўлидаги пухта ўйланган сиёсат самаралари Жаҳон банкнинг маърузасида ҳам ўз аксини топади. Хусусида тўхталар экан, унда Ўзбекистон кейинги йилларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида энг яхши натижаларга эришган давлат деб қайд қилинди. Ушбу натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олганини алоҳида қайд қилди. Ҳозирда, **Немис тиллар ҳамжамиятининг халқаро алоқалар департаменти бошлиғи Анна Куадфлиг** мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири — таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан қўйилган чора-тадбирларга юксак баҳо берди. "Ўқув-

тарбия ишларининг самарадорлиги, замонавий билимларга эга, интеллектуал салоҳияти юқори, жисмонан баркамол авлоднинг камолга етаётгани бу борада муносиб шaroитлар яратилганига бевосита боғлиқдир", — деди у. — Шу нуктага назардан мамлакатда янги ўқув муассасаларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш, таълим тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар эътирофга лойиқдир. Мамлакатда ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи миқдоридagi маблағ бу соҳага йўналтирилади. Холбуки, жаҳон таърибисиди бу борадаги кўрсаткич 6-7 фоиздан ошмайди".

Бошқаришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш билан шугулланиб келаётган мутахассис, **Маммурий фанлар халқаро институтининг стратегик лойиҳалар бўйича эксперти Стив Трупин** Президентимиз маърузаси билан яқиндан танишиб чиқганини айтди. Эксперт 2015 йилда корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ҳамда ёндашувлар тубдан ўзгартирилгани учун ҳақиқий бозор хусусиятларига эга бўлишни таъминлаш нуктага назардан муҳим аҳамият касб этиши хусусида давлатимиз раҳбарини айтган фикрларга тўла қўшилишини маълум қилди. С. Трупиннинг таъкидлашича, мамлакатда корхоналарни кор-

поратив бошқариш бўйича илгор халқаро таърибани ўрганиш, иқтисодий таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизациялаш, техник ва технология янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб этиш борасида баҳарлаётган ишлар алоҳида эътиборга моликдир. "Шу ўринда Германияда жойлашган Европа менежмент ҳамда технологиялар мактабининг фаол иштирокида акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходим-мутахассисларини тизимли асосда тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, уларнинг замонавий корпоратив бошқарув усулларини эгаллашнинг таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази очилгани катта самара келтиришини қайд этишни истар эдим", дейди эксперт.

«Жаҳон» АА. Брюссель

Юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодаси

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ҳисобот даврида орасингиларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бандлигини кафолатлаш, меҳнат ва ўқш шaroитларини яхшилаш, оила, никоҳ муносабатларини тартибга солиш, ёш оилаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш, улардаги соғлом ва барқарор муҳитни асраш, истеъдодли кизлар салоҳиятини рўбega чиқариш учун зарур шарт-шaroит яратишга қаратилган ишлар самарали равишда амалга оширилди. Чунончи, ўтган йили хотин-кизлар учун 404 минг 155 иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг салмоқи қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжалиқларини ривожлантириш, уй меҳнатининг барча шаклини ташкил этиш ҳисобидан яратилди.

Аёллар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш, касб-хунар коллежини тамомланган кизларни ишга жойлаштириш, уларнинг бизнес лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга яқиндан кўмаклашиш доимий эътибордадир. Республика тижорат банклари томонидан 1 триллион 255 миллиард сўмдан зиёд маблағ хотин-кизлар тадбиркорлигига йўналтирилган, 6100 дан зиёд битурувчи кизларга 5 115,7 миллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилган бунинг амалий ифодасидир.

Кўмита томонидан вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан фикр алмашилди. Ҳисобот даврида йўл қўйилган айрим камчиликлар танқид қилиниб, уларни бартароф этиш юзасидан тавсиялар берилди ҳамда бу бўйича аниқ чора-тадбирлар ва истиқболли режалар белгилаб олинди.

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ИНТИЛИШ Маҳсулот тури кўпайди

Эллиққалъа туманининг "Сахтиён" шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудда фаолият юритаётган кўп тармоқли "Сухроб-Зоҳид" хусусий корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар тури яна учтага кўпайди.

Гап шундаки, жамоа банкнинг 150 миллион сўмлик молиявий кўмагида рубероид, полиэтилен кувер ва брусчатка ишлаб чиқаришга киришди. — Туманимизда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган турар-жойлар ҳамда бошқа қурилиш объектларига жами 2,5 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бердик, — дейди тадбиркор Музафар Эгамбердиев. — Ҳозир жамоамизда 25 нафар кишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда.

Айтиш жоизки, ўтган йили Оролбўйи минтақасида санаот соҳасида амалга оширилган 145,3 миллион сўмлик ва 16,5 миллион АҚШ долларлик 247 та шундай лойиҳа шарофати билан 6575 кишининг бандлиги таъминланди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Зеро, ҳар бир миллатга хос аъёнларни сақлаб қолишга кўмаклашиш, кенг жамоатчиликнинг бағрикенглик таъминини қарор топтиришга қаратилган ташаббусларни кўллаб-қувватлаш ҳам ушбу марказнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Айни пайтда марказ жойлардаги миллий маданият марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатмоқда. Қолаверса, урф-одат ҳамда анъаналар бардавомлигини таъминлашга қаратилган кўллаб тадбирлар ташкилотчилиги айланди. Ўтган давр мубайнада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, миллий ғоя ҳамда халқлараро дўстлик, тинчлик ва барқарорлик мазкурларга доир кўллаб маданий-маърифий анжуманлар ташкил этилди. Миллий маданий марказлар иштирокида фестивалю байрамлар ўтказилди. Шунингдек, кўллаб йўриқномалар, йигирмадан ортиқ илмий тўплам ва кўланмалар нашр қилинди. "Ўзбекистон — умумий уйимиз" альбом-китоби, "Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажагимиз қафолати", "Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини", "Ўзбекистон — бағрикенг диёр" сингари тўпламлар ана шулар жумласидандир.



Табииий, диёримизда умргузаронлик қилаётган турли миллат вакиллари орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, сенаторлар, Олий Маҳлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутatlари, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари борки, улар мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келишади. Буларнинг барчаси юртимиздаги демократик тамойилларнинг амалий ифодаси тасдиғидир.

Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик ҳамда барқарорлик хорижий сиёсатшунослар ва меҳмонлар томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда. Жумладан, Нью-Йорк давлат университети профессори, Глобал илмий тадқиқотлар маркази директори Парвиз Морвиж шундай ёзади: "Ўзбекистон-

да истиқлол йилларида тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар бераётган юксак самаралар ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтиради". Юртимизда меҳмон бўлган Корея Республикаси Конституциявий суди раиси Ким Чанг Жонг эса ўз таассуротларини қуйидагича изҳор қилган: "Мамлакатда тинчлик ҳамда барқарорлик муҳити, миллатлараро, динлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиши ва мустаҳкамланиши мустиқиллик йилларида республика эришган энг муҳим муваффақиятлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Асосий Қонунда муҳрланган меъёр ва

тамойилларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани туфайли мамлакатда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элэт, 16 диний конфессия вакилларининг ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланмоқда. Улар эмин-эркин таълим олиша-

да юксак баҳо берилган. Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик ҳамда барқарорлик хорижий сиёсатшунослар ва меҳмонлар томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда. Жумладан, Нью-Йорк давлат университети профессори, Глобал илмий тадқиқотлар маркази директори Парвиз Морвиж шундай ёзади: "Ўзбекистон-

да истиқлол йилларида тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар бераётган юксак самаралар ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтиради". Юртимизда меҳмон бўлган Корея Республикаси Конституциявий суди раиси Ким Чанг Жонг эса ўз таассуротларини қуйидагича изҳор қилган: "Мамлакатда тинчлик ҳамда барқарорлик муҳити, миллатлараро, динлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиши ва мустаҳкамланиши мустиқиллик йилларида республика эришган энг муҳим муваффақиятлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Асосий Қонунда муҳрланган меъёр ва

тамойилларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани туфайли мамлакатда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элэт, 16 диний конфессия вакилларининг ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланмоқда. Улар эмин-эркин таълим олиша-

Назриддин МУҲАММАДИЕВ, Республика байналмилал маданият маркази директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ФАРОВОН ҲАЁТДАН МАМНУНЛИК САОДАТИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Фидокорона меҳнат самараси

Бозорлар — юрт ободлиги, эл маъмурилик кўзгуси. Шу боис азал-азалдан қайси мамлакатнинг иқтисодий аҳолисини билмокчи бўлишса, унинг бозорини билан танишиш керак. Шу маънода, юртимизга келган сайёҳлар ҳам сафари давомида, албатта, ўзининг файзу таровати, ободлиги билан донг таратган бозорларимизга таширф буюришади. Йилнинг қайси фасли бўлмасин, сархил мева ва сабзавотлар, полиз ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг сероблиги, нархининг эса арзонлиги уларнинг хайрату ҳавасини келтиради.

Чиндан ҳам, деҳқон бозорлари доимо фермеру соҳибкорларнинг фидокорона меҳнати эвазига етиштирилган ноз-неъматлар билан тўла. Қиш ва баҳор фаслларида ҳам ҳеч бир узилми сезилмайди. Жумладан, жамгарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мунтазам равишда етказиб берилётган бўлса, тадбиркор деҳқонларимиз томонидан иссиқхоналарда етиштирилган турли кўкат ва резавор, цитрус мевалар мамлакатимиз аҳолисига сархил ҳолда тортиқ қилинаётган. Шубҳасиз, бу Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермер ва деҳқонларга қулай меҳнат шaroити яратиш бериш, бозорлар фаолиятини янада такомиллаштириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари екиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу ҳужжатга биноан, пахта екиладиган майдонлар қарийб 100 минг гектарга қисқартирилиб, бўшаган майдонларга сабзавот, полиз, картошка ва бошқа озуқа экинлари жойлаштирилди. Бунинг натижасида муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ҳажми кўпайиб, уларнинг нархлари ошиб кетишининг олди олинмоқда. Эътиборлиси, бу борадаги ислохотлар изчил равишда амалга оширилиб, пахта

етиштириш ҳажмини босқичма-босқич 350 минг тоннага қисқартириш ҳисобидан бўшайдиган яна 170 минг 500 гектар суғориладиган ер майдонига бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари екилиши мўлжалланаётган. Бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, "истеъмол савати"нинг мақбул тузилмасини шакллантириш, қайта ишлаш ҳажмини ошириш, экспорт салоҳини кўпайтиришга хизмат қилиши билан гоятда аҳамиятлидир.

Бундай чора-тадбирлар самараси БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ҲАО) томонидан алоҳида эътироф этилаётган. Гап шундаки, 2015 йилда мамлакатимиз мазкур ташкилотга аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлди. Бундай баҳога дунёнинг атиги 14 та давлати лойиқ қўрилганини инобатга олсак, кўлга киритилган натижалар нечоғли юқори эканлиги яққолроқ намоён бўлади.

Республикамиз ҳудудлари, хусусан, мегаполис саналган Тошкент шаҳри аҳолисини ҳам муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз ва арзон нархларда таъминлаш мақсадида тизимли чора-тадбирлар олиб борилаётган. "Тошбозорсавдо" уюшмасидан маълум қилишларича, пойтахтимизда бугунги кунда 13 та деҳқон бозори, иккита ихтисослаштирилган бозор, олти "Савдо мажмуаси", шунингдек, 9650 дан ортиқ турғун савдо шохобчалар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, бозорлар тасарруфиди маъмурий ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини тубдан яхшилаш, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш келинаёпти.

Барчанинг дилидаги гап

Пойтахтимиздаги "Юнусобод деҳқон бозори" эрта тонгдан одамлар билан гавжум. Рассталарга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дид билан қўйилган. Сотувчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Ҳали сабзи, шолғом тортиди. Кимдир қарам, бошқаси картошка... Айниқса, мева-чева растасидан ҳеч ким бефарқ ўтиб кетолмайди.

— Халқимиз бозорга эрта тонгдан тушади, чунки эрталабки савдода барака бўлади, — дейди сотувчи Турсуннойим Ҳакимова. — Ҳар кунги ишимиз, мана шундай, ўта қизгин бошланади. Кўриб турганингиздек, мен сабзавот маҳсулотлари сотаман. Масалан, сабзанинг килоси 500 сўмдан. Пиёз 800 сўм, картошка 1000 сўм, қарам 700 сўм. Кечки бозорда бундан ҳам арзонроқ, Сизга айтсам, харидорлар билан талашиб-тортишиб савдо қилишимиз ҳам завоқ бор. Нарх-навоининг арзонлигига асосий сабаб — ўтган йилнинг кўп ва сифатли маҳсулот етиштирилганидир.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётгани, фермерлик ҳаракати ҳар томонлама мўлжалланаётгани, аҳолининг тадбиркорлик имконияти ортиб бораётгани туфайли соҳада исил қўрилган ютуқлар қўлга киритилаёпти. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, деҳқончилик учун мураккаб келган 2015 йилда ҳам барча турдаги экинлардан баракали ҳосил олинди. Жумладан, 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд галла, 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди. Қолаверса, чорвачилик тармоғида жадал ривожланиш кузатилиб, мўлжалдагидан кўп миқдорда гўшт, суг, тухум, балик, асал маҳсулотлари тайёрланди. Буларнинг барчаси бозорларимиздаги мўл-қўлчиликда ўз тасдиғини кўрсатмоқда.

— Нималар сотиб олдингиз? — дея харидорлардан бирини гапта соламиз. — Рўзгор учун зарур нарсалар — гўшт, картошка, пиёз, сабзи, қовоқ, — дея рўйхатини узоқ давом эттиради ўзини Мамлакат Хошимова деб таништирган аёл. — Қиш бўлишига қарамай, помидор, бодиринг, кўкатларнинг қўлигини айтмайсизми?! Нархи ҳам қиммат эмас. Мана бу, кўкатларнинг ҳаммасини 1000 сўмга олдик. Гўштининг килосини 22 минг сўмдан фарид қилдик. Юртимиздаги тинчлик, файзу барақага ҳеч қачон кўз темгасини. Қалбимиздан шукроналик ҳисси асло аримасин. Кенг ва шинама расталар оралаб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг

нарх-навоси билан қизиқамиз. Сухбатдошларимиз эътироф этганидек, уларнинг баҳоси чўнтақбоп. Хусусан, "Юнусобод деҳқон бозори" акциядорлик жамиятида картошка 800 сўмдан 1500 сўмга, пиёз 600 сўмдан 800 сўмга, қарам 700 сўмдан 900 сўмга, сабзи 500 сўмдан 1100 сўмга сотилаёпти. Олма, анор, нок, беҳи, узум сингари меваларнинг ҳам баҳоси анча паст. Бозор маъмуриятининг айтишича, ўтган йилдагига нисбатан гурч, гўшт, тухум ҳам нисбатан арзон. Масалан, айни пайтда гўштининг ўртача баҳоси 21000-22000 сўм бўлса, гурч 2000-3500 сўмдан, тухумни 300 сўмдан харид қилиш мумкин.

— Бугун бозорларни айланиб кўнгилм тоғдай кўтарилади, — дейди Дилшод Ҳусанжонов. — Расталарда ҳамма нарса бор — излаганингизни топасиз. Уларнинг арзонлигиндан бир суносак, одамларнинг харид қобилияти ошиб бораётганига гувоҳ бўлиб, ўн чандон сезинамиз. Буларнинг барчаси юртимизнинг изчил ривожланаётгани, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланаётганини кўрсатади, албатта.

Эзингиз бир мулоҳаза қилиб, ён-атрофга теранроқ назар ташланг. Бугунги кунда кўллаб давлатларда ҳам қимматчилик, ҳам ишсизлик кучайиб бораёпти. Яқинда телевидорда Президентимизнинг шундай қалтис пайтда мамлакатимизда иқтисодий ўсиш сурьатлари ва унинг омиллари ҳақида айтган сўзларини эшитиб, иччимдан шодландим. Айниқса, Ўзбекистонда нарх ўз меъёрида сақланганини, бозорларимиздаги арзончилик одамларнинг розилигига сабаб бўлаётгани, бундай чора-тадбирларни кучайтириш кераклиги ҳақида билдирган фикрлари барчамизнинг айна диллимиздаги гап бўлди. Булар сизу бизнинг манфаатларимизни кўзлаб қилинаётган ишлар-да!

Эътибор берган бўлсангиз, юртимизга мева-сабзавот маҳсулотлари четдан олиб келинаётгани йўқ. Аксинча, республикамизнинг кўллаб минтақалари қисқа муддатда жаҳон бозориди харидоринг бўлган мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган, уни экспорт қиладиган ҳудудларга айланди. Аникроғи, бугунги кунда дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сар-

хил мева-сабзавот ҳамда уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни етказиб бераёпмиз. Жумладан, ўрик, олхури, узум, ёнғок, қарам ва бошқа кўллаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёдаги ўнта етказиб бераётган жой олганимиз кўп нарсани аналтатади.

Элга хизмат — олий ҳиммат

Бозорлардаги тўкинлик, нарх-навоининг арзонлиги ҳақида гап кетганда, 2011 йил мартдан иш бошлаган "Элга хизмат" маъсуляти чекланган жамият фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Деҳқон бозорлари қошидаги мазкур корхоналар савдо маданиятини юксалтириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳолига янада қулайлик яратишдек эзгу мақсадлар йўлида ташкил этилган эди. Утган қисқа даврда бу мудоага эришилди, десак, асло муболаға эмас. Чунки улар учун одам гавжум савдо расталаридан жой ажратилиб, зарур анжомлар, хусусан, тўлов терминаллари билан таъминлангани туфайли савдо ҳажми тобора ошиб бораётган. Бу ерда картошка, пиёз, сабзи, қарам, гурч, тухум, гўшт ҳамда дуққакли маҳсулотларнинг узлуксиз ва арзонлаштирилган савдоси йўлга қўйилган. Бундан ташқари, аҳоли талаби инобатга олиниб, бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам етказиб берилаёпти. Натижасида 2015 йилда "Элга хизмат Юнусобод" МЧЖ томонидан 5,3 миллиард сўмлик маҳсулотлар сотилган бўлса, шундан 1,7 миллиард сўмлик бунк пластик картчакалари орқали амалга оширилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат етиштириш, балки уни сифатли сақлаш мақсадида инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги ҳақида билдирган фикрлари барчамизнинг айна диллимиздаги гап бўлди. Булар сизу бизнинг манфаатларимизни кўзлаб қилинаётган ишлар-да!

Эътибор берган бўлсангиз, юртимизга мева-сабзавот маҳсулотлари четдан олиб келинаётгани йўқ. Аксинча, республикамизнинг кўллаб минтақалари қисқа муддатда жаҳон бозориди харидоринг бўлган мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган, уни экспорт қиладиган ҳудудларга айланди. Аникроғи, бугунги кунда дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сар-

хил мева-сабзавот ҳамда уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни етказиб бераёпмиз. Жумладан, ўрик, олхури, узум, ёнғок, қарам ва бошқа кўллаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёдаги ўнта етказиб бераётган жой олганимиз кўп нарсани аналтатади.

Ҳисобот даврида йўл қўйилган айрим камчиликлар танқид қилиниб, уларни бартароф этиш юзасидан тавсиялар берилди ҳамда бу бўйича аниқ чора-тадбирлар ва истиқболли режалар белгилаб олинди.

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ри ва бошқа ҳудудларда қўшимча равишда 16 минг 500 тонналик совитклар модернизация қилинди. Бу тизимдаги 50 дан зиёд худудий улгуржи базаларида 2015/2016 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун жамгарилган 17,3 минг тонна картошка, 17 минг тонна пиёз, 20,5 минг тонна гурч, 500 тонна гўшт, 9 минг тонна мева ва полиз маҳсулотларини аҳолига сифатли етказиб беришда қўл келмоқда.

Умуман олганда, охири бир йил давомида мамлакатимиз миқёсида 77 минг 800 тонна сизимга эга бўлган 114 та янги совитиш камераси ташкил этилиб, мавжудлари модернизация қилинди. Бунинг ҳисобига мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди.

Президентимиз қайд этганидек, бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймайдиган, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларнинг экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда. "Тошбозорсавдо" уюшмаси мутахассисларининг айтишича, пойтахт аҳолисини жорий йил пишиқчилик мавсумига қадар муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш чора-тадбирлари қўрилган. Жамгарилган захирадан ташқари, шу йил март — май ойлари бозор расталарида эртаги маҳсулотларини чиқариш кўзда тутилган. Бунинг учун фермер хўжалиқлари ва агрофирмалар билан шартномалар тузилаётган.

Юртимизнинг қайси бир худудиди бозорларга борманг, у ердаги ободлик, озодалик, саранжом-саришталлик, энг асосийси, тўкинлики кўриб, баҳридингиз очилди. Одамларнинг юз-кўзларида зўр этиб турган мануннинг, сотувчиларнинг ҳушмуомаласидан харидорларнинг кайфияти чоғлигини ҳис этасиз. Ўз хонадонига турли ноз-неъматлар билан бирга, олам-олам завқ билан қайтаётган юртдошларимизни кувончи хушқайфият бахш этади, қилишга. Бу Президентимиз томонидан танланган ва изчиллик билан амалга оширилаётган тараққиёт йўлимиз тўғрисида, унинг самаралари эса фаровонлик ҳамда ободликка хизмат қилаётганидан далолатдир.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шумурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Навоийнинг ўлмас асарларидаги юрт тинчлиги ва осойишталиги, халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстликни кўкларга кўтаргани, бу ғояларни устувор инсоний қадриятлар сифатида олға сурадиган фикр ва қарашлари биз учун, айниқса, қимматлидир.

Ислон КАРИМОВ



моҳиятини янада чуқурроқ аниқлаш учун Алишер Навоийнинг "Назм ул-жавоҳир" асари ҳақида мухтасар тўхталиш лозим. Маълумки, бу асар насрий усулда ёзилган муқаддима ва Ҳазрати Алининг 255 (айрим тадқиқотчиларга кўра —

дурлар") деб аталган ўғитлари мажмуасини таржима қилиб, уни "Назм ул-жавоҳир" ("Назм жавоҳирлари") деб номлаганини айтиди. Алишер Навоий Темурийзода Хусайн Бойқаро айна мавзуда "Рисола" битгач, унга жавоб тариқасида

тўғри таржимасини бериш билан чеклиниб қолмаган. Аксинча, айна ўша ҳикматнинг мазмун-моҳиятига алоҳида рубоий бағишлаб, бадий жихатдан бойитилган ўз фикрларини тақдим этган. Масалан, юқоридagi рубоий "Назм ул-жавоҳир"

эса астойдил рағбатлантиришган. Бугунги кун ибораси билан айтганда, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласи заманимизда доимо эътиборда бўлиб келган. Ўз навбатида, ҳуқуқий маданият — бу қонунларимизда ифодасини топган, яъни бизга берилган шунча ҳуқуқлардан имкон қадар кўп фойдаланиш даражаси, деганидир.

Шу маънода, истиқлол йилларида халқимиз ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Зеро, Юртбошимиз алоҳида қайд этганидек: "мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуг ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни, мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам демакдир".

Акмал САИДОВ,
юрдик фанлар доктори,
профессор.

ХАЙРАТ

Алишер Навоий ижодидаги муҳим ва асосий ғоялардан бири — инсонни улуглашдири. Шоир ўз ижодида инсонни коинот гултожи, оламнинг мақсуди, қалбида маърифатни жо этган камолот соҳиби сифатида тасвирлайди.

«Мунча фаройибки, мисол айладинг...»

"Хайрат ул-аброр" достонининг муқаддимасида у шундай дейди:

*Мунча фаройибки, мисол айладинг,
Борчани мирботи жамол айладинг.*

*Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин гараз инсон эди.*

Яъни, барча фаройиботларни яратдинг, уларни жамолнинг кўзгуси қилдинг, хазиначида бойликлар кўп эди, лекин булардан мақсад бир — инсон эди.

Яна шу достонда Навоий "биз одам зотини шарафли қилиб яратдик", мазмундаги кудсий ҳадисга мурожаат қилиб, иқтибос санъатидан фойдаланган ҳолда инсонни барчадан улуг ва шарафли, дея улуглайди:

*Конио хайвони, агар худ набот,
Хар бири бир гавҳари олий сифот.*

*Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.*

Кондаги маъданлар ёки ўсимликлар ҳаммаси ҳам олий сифатли гавҳарлардир. Борчасини, гарчи, латофатли қилиб яратдинг, лекин улардан ҳам кўра инсонни азиз қилдинг.

Навоий оламнинг яралишидан мақсад инсон бўлса, инсонни яратишдан мақсад унинг камолоти, яъни қалбида маърифатни асраган комил инсондир, деб ҳисоблайди. Бунда улуг шоир олами чаманга, инсонни ундаги гулга қиёслаб, ташбеҳ ва таносуб санъатларига мурожаат қилади ҳамда гўзал шеърини дурдоналар яратади:

*Бу чаман ўлмоғида мавжуд анга,
Бор эди инсон гули мақсуд анга.*

Бу чаман (одам)нинг мавжуд бўлмоғидан мақсад инсон гули эди. **Зумраи инсон аро ҳам қомиле,**



РУБОЙЛАР

Жоним аро ўт лаъли суҳандонинг учун,
Юзум уза қавқаб маҳи тобонинг учун,
Кўксумда алиф сарви хиромонинг учун,
Сўзлаб, юз очиб кел бу тараф жонинг учун.

МУТОЛАА

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини, фикр, яъни ҳуқуқ ва адолатнинг мазмун-моҳиятини улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоийдек теран ифода этган ижодкор жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади.

БОҚИЙ ҲИКМАТЛАР ТАЛҚИНИ

Навоийнинг "Назм ул-жавоҳир" асарида фикр (ҳуқуқ) ва фақиҳ (ҳуқуқшунос) кадр-қиммати улугланган шундай мисралар бор:

*Қолгон киши касби илмдин заҳмат аро,
Фикр ўргансун саъй ила ул меҳнат аро,
Илм ичра шараф фикрда бил нисбат аро —
Ким сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.*

Ушбу мисраларда шоир ҳар бир кишининг фикр — ҳуқуқни ўрганиши мақбул эканини уқтирмақда. Чунки фикр илмлар ичида шарафлиси, фақиҳ — ҳуқуқшунос эса жамиятнинг илгор вақилидир. Бу рубоийнинг мазмун-

268) рақам остида тартибланган арабча ўғитларининг туркий тилдаги талқинидан иборат. Ҳар бир фикр Қуръони карим суралари ва Ҳадиси шарифлардан келтирилган парчалар асосида исботланган. Шу билан бирга, уларнинг таъсирчанлигини ошириш учун тўрт мисраси ҳам қўйиладиган — тўртинчи рубоийлардан фойдаланилган.

Навоий Ҳазрат Алининг "Навр ул-лаолий" ("Сочма

ушбу асарни ёзишга қарор қилган. Кўриниб турганидек, Алишер Навоий асарининг номи сочма дурларни бир ритага — илмга жавоҳир сингари тизилганига ҳам ишора қилди. Шу ўринда "Назм ул-жавоҳир" асари ўзига хос туришига эга эканини қайд этиш лозим. Бу ҳақда фикр юритганда, даставвал, Ҳазрат Алининг араб тилидаги муайян фалсафий ўғити келтирилиб, сўнг эса унга туркий тилда рубоий шаклидаги талқин берилганини назарда тутиш лозим.

Алишер Навоий ўғит ва ҳикматларнинг тўғридан-

асарида 109-рақам билан келган ва у "Содат ул-уммат ил-фуқаҳоъу", яъни "Фикр уламолари — халқ сарваридирлар", деган ҳикматнинг туркий назмидаги талқини ҳисобланади. Шундай қилиб, мана шу биргина рубоий мисолида ҳам Алишер Навоий яшаган даврда, қолаверса, янада олис тарихимизда аждоқларимиз ҳуқуқ илми ва ҳуқуқшунослик касбини нечоғлик улуглаганига амин бўлиб турибмиз. Демак, ота-боболаримиз азалдан ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишган ва муносиб кадрлашган, ҳуқуқни ўргатиш ҳамда ўрганишни

Келди машаққат юкининг ҳомли.
Инсон зоти орасида ҳам комил инсонга машаққат юкини ортши (масъулияти) юклатилди.
Бу юк, бу масъулият айна пайтда ҳам шараф, ҳам огирликдир. Бунга ҳазратнинг бунёдкорликка асосланган йўли мисол бўла олади.
Навоий комил инсон, яъни коинот гулшанининг гултожи бўлиш учун ҳар бир кишида имконият бор, деб баҳолаб, бунинг шартин ахлоқни поклаб, камолотга томон қадам ташлашди, деб ҳисоблайди.
Улки бу ахлоқ ила айлаб хиром, Етса жафо айламагай иштиқом.
Балки кудуратни сафо айлағай, Неча жафо етса, вафо айлағай.
Они башар хайлининг инсонни бил, Одамийлар одамийси они бил.

Қайси одам (ўз ҳаёт йўлида) ахлоқ билан қадам ташлаб, ўзига бошқалардан жафо етса ҳам, қасос олишни йламага, балки қанча жафого шунча вафо билан жавоб қайтарса, башарият аҳли орасида уни инсон, деб ата, (нафақат инсон, балки) одамийларнинг ҳам одамийси, деб билгин.

Навоий ўз асарларида барча ўқувчиларни, халқни мана шундай гўзал ахлоқ билан безаниб, камолот йўлида олға қадам ташлашни хоҳлайди. Бу истакнинг тарғиботи Навоийнинг барча асарлари ва, биринчи навбатда, "Хамса"нинг илк достони, барча яхши хулқларнинг йиғиндиси — "Хайрат ул-аброр"да мужассамдир.

Зукра МАМАДАЛИЕВА,
филология фанлари номзоди.

Зулфунг гириҳига пойбаст ўлмишмен, Лаълинг майдин бодапараст ўлмишмен, Ул майни ичиб йўлунда паст ўлмишмен, Хай-хай, не дедим, магарки маст ўлмишмен?



Алишер Навоий сўз гавҳарининг шарафли юксаклиги унинг бутун олам қудрати тарафидан тўхта этилганида, дея таъкидлайди. У "тўрт садаф гавҳарнинг дуржи" — яъни тўрт унсур (сув, ҳаво, ўт, тупроқ)дан ҳосил бўлган инсон зотининг бош хусусиятидир, инсоннинг нутқи барчадан устултиги белгиланади. Сўз, нутқ — рух, қўлиги ичидаги жон, ҳаёт, ҳаракат демак, тил фақат алоқа воситаси, бебаҳо неъматгина эмас, балки изтироблар манбаи ҳамдир.

УЛУГЛИК ЗИЙНАТИ

Шоир қизик мисол келтиради: "Ғунча оғизлик самани нўшлаб" гўзаллик курсанг, унинг хуш сураги, зебо қадду қомаги кишини лол қолдирса-да, зоҳиран чиройли суратдан фарқи йўқ. Лекин агар шу чирой, хуснага яраша маълохати, жонситан нутқи ҳам бўлса, у:

*Солғуси жинси бани одамга ўт,
Не бани одам, бари оламга ўт.
Хар дам этиб эти ҳалок ўртагай,
Балки башар хайлини пок ўртагай.*

Мана шу ерда Навоий шеърини сўзнинг қудратини усталик билан қайд этади. Бунда ҳам нозик йўл топилаган: боя ўзи таъриф этган ўша гўзал сўзга чечанлиги билан олам аҳлини масту сархуш эта олади, гар у Навоий газалини ўқиса-чи. Унда:

*Ким анга алфоз ўлуб оташ фишон,
Берса улус кўнглига мунгдин нишон.
Базмда ул лаҳза алолони кўр,
Кўйи харобот аро гавғони кўр.
Кўрки нечукдур яко чок айламак,
Ўзни фиғон бирла ҳалок айламак.*

Шоир, умуман, бадий сўзнинг таъсир кучини, жумладан, ўз шеърларининг нақадар баланд қадр-

ланиши, одамлар кўнглига гулгула солиб, ҳаяжон кўзгашини фахр билан тасвирлаган.

Сўзни ҳам нуктадан одамга айтса дуруст, ҳар кимса ҳам яхши сўзнинг қадрига етмайди, фаҳмига етиб, ундан лаззат топмайди. Нозик кўнглили, сўздаги маъноларни қилни

сўздан фириб, найранг учун фойдаланадилар ва рост қавл кишиларни йўлдан урадилар.

Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида — Атор, Румий, Ҳофиз, Жомий, Хусрав ҳақида, улар-

СИРАТ

нинг қадри беқиёс шеърини тўхтаб, кейин "адно табақаси" (паст табақ) шоирларни санаб ўтади. Уларнинг "не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълафкан, баъзисидан агар гоҳе бирор яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурким, у ҳам зоеъ бўлур" деб ёзади. Навоий бундай "шоирталаб" сўзи ёлгон, ўзи кибру ҳаволи кишилардан безор бўлганини "Хайрат ул-аброр" достонига ҳам сўз маъносига бағишланган бода қайд этган. Турфа буюким, деб нолийди улуг шоир, улар менинг ўзимнинг шеъримни рангу рўйини ўзгартириб, тўғрироғи, уни бузди, яна олдимга олиб келадилар, "шеър"нинг ҳолига йилгагин келади. Навоий сўз зийнати

ростлик, ростқавлликка жуда катта аҳамият берган. Буни одамийлик, инсонийликнинг муҳим белгиси сифатида баҳолаган. У "Вужуд уйи ана шу туз (рост) сугун била барност" мазкур уйнинг чиройи, бара-

*Ростдур улким назари тўғридур,
Ким илгири эғридур — ул ўғридур.
Бўлса тик эғрилики ичра самар,
Эл ани кесмақда туз этгай магар.
Кўзки эрур эғри анинг хилқати,
Бирни ики кўрмак эрур санъати.*

кати, қути ҳам ростлик, дейди. Улуг шоир бошдан охиригача ростлик билан эғриликини қиёслаб боради, ростлик одамни қандай улуглаши ва эғрилиқ, ёлгончилик нақадар тубанликларни келтириб чиқаришини қатор мисоллар воситасида исботлашга инти-


лади. Асосан, кишининг хулқи, тийнати билан боғлаб тушунтиради, одамнинг табиатидан келиб чиқадиган хислатлар сифатида олиб қарайди. Масалан, у ростлик ва эғрилиқни мана бундай қиёслаган:

Сўз, нутқ инсонни хайвондан ажратувчи белги экан, уни кадрлаш, тилга эътибор қилиш лозимлигини ўқитириш Алишер Навоий ижодида бамисли гавҳардек товланиб туради. Зеро, насиҳат, фойдали гап айтиш, одамийлик хислатларини ҳимоя қилиш ижодкорнинг маънавий бурчидир. Сўз — инсон шарафли, бебаҳо қозилат, ахлоқий камолот воситаси. Демак, мазкур қоидага амал қилмоқ ҳар жиҳатдан мақбул ва маъқул. Буюк шоир хулосаси — ана шу.

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

«...Дардинги, манга даво бўлуптур»

**Кўзунг не бало қаро бўлуптур
Ким, жонга қаро бало бўлуптур.**
**Мажмуғи давони дард қилди
Дардинги, манга даво бўлуптур.**
**Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Хар жонки, санга фидо бўлуптур.**
**Бегона бўлуптур ошнодин,
Бегонага ошно бўлуптур.**
**То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сари анга ҳаво бўлуптур.**
**Боқий топар улки, бўлди фоний,
Раҳравга бақо фано бўлуптур.**
**То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.**



Назм осмонининг қуёши

...Ўткир кўз эгаларининг ҳузурда маҳфий ва яширин қолмасинки, шараф ва улуглик осмонининг қуёши, дунё бюкларининг пешвоси, яхши хулқлар манбаи... илм ва ирфон эгаларининг намоён-даси, таҳқиқ ва ишонч аҳларининг қилбаси, хоҳон давлатининг таъини ва ҳазрати султонинг яқини, фақирликка бою, ҳимматга ботир, олий ҳазрат низоумулҳақ вал ҳақиқат ваддунё ваддин амир Алишернинг... узлуқсиз меҳрибончиликлари шуъласи, илтифот ва рағбатларини офтоби Хондамир деб шуқрат қозонган бу фақир банд ва ҳақир зарра Ғиёсуддин илм Ҳумоахдин бошига товланди, балки вужудининг ниҳоли ёш чоғидан то йигитлик даврининг охирига қадар ул ҳазратнинг лутфу эҳсон ариқлари ёқасида ўсиб, унди.

Замондошлар хотираси

ХОНДАМИР.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 151 134 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Рекама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.00 Топширилди — 21.15 1 2 3 4 5 6